

ВАЗОРАТИ МАОРИФ ВА ИЛМИ ҶУМҲУРИИ ТОҶИКИСТОН

**ДОНИШКАДАИ ОМУЌЗОРИИ ТОҶИКИСТОН
ДАР ШАҲРИ ПАНҶАКЕНТ**

МАХЗАНИ ИЛМ/ПАЁМИ ДОНИШКАДА, 2021, № 2.

МАВОДИ

**он-лайн ва офф-лайн анҷумани илмӣ-амалии байналмилалӣи апрелӣ дар
мавзӯи “Масоили мубрами улуми иҷтимоӣ-гуманитарӣ, риёзӣ ва дақиқ
дар замони муосир”, 26 апрели соли 2021 дар Донишқадаи омузгорӣи
Тоҷикистон дар шаҳри Панҷакент**

СОКРОВИШНИЦА НАУКИ/ВЕСТНИК ИНСТИТУТА, 2021, № 2.

МАТЕРИАЛЫ

**научно-практической международной апрельской он-лайн и офф-лайн
конференции, на тему «Актуальные проблемы общественно-
гуманитарных, точных и естественных наук в современную эпоху», 26
апреля 2021 года в Таджикском педагогическом институте в городе
Пенджикент**

TREASURY OF SCIENCE/BULLETIN OF THE INSTITUTE, 2021, No. 2.

MATERIALS

**of the scientific and practical international April online and off-line conference,
on the topic "Actual problems of social and humanitarian, exact and natural
sciences in the modern era", April 26, 2021 at the Tajik Pedagogical Institute in
the city of Penjikent.**

Панҷакент – 2021

ВАЗОРАТИ МАОРИФ ВА ИЛМИ ҶУМҲУРИИ ТОҶИКИСТОН

**ДОНИШКАДАИ ОМУЌЗОРИИ ТОҶИКИСТОН
ДАР ШАҲРИ ПАНҶАКЕНТ**

МАХЗАНИ ИЛМ/ПАЁМИ ДОНИШКАДА, 2021, № 2.

МАВОДИ

**он-лайн ва офф-лайн анҷумани илмӣ-амалии байналмилалии апрелӣ дар
мавзӯи “Масоили мубрами улуми иҷтимоӣ-гуманитарӣ, риёзӣ ва дақиқ
дар замони муосир”, 26 апрели соли 2021 дар Донишкадаи омузгории
Тоҷикистон дар шаҳри Панҷакент**

СОКРОВИШНИЦА НАУКИ/ВЕСТНИК ИНСТИТУТА, 2021, № 2.

МАТЕРИАЛЫ

**научно-практической международной апрельской он-лайн и офф-лайн
конференции, на тему «Актуальные проблемы общественно-
гуманитарных, точных и естественных наук в современную эпоху», 26
апреля 2021 года в Таджикском педагогическом институте в городе
Пенджикент**

TREASURY OF SCIENCE/BULLETIN OF THE INSTITUTE, 2021, No. 2.

MATERIALS

**of the scientific and practical international April online and off-line conference,
on the topic "Actual problems of social and humanitarian, exact and natural
sciences in the modern era", April 26, 2021 at the Tajik Pedagogical Institute in
the city of Penjikent.**

Панҷакент - 2021

МАХЗАНИ ИЛМ/ПАЁМИ ДОНИШКАДА / ВЕСТНИК ИНСТИТУТА, 2021, № 2.
МАВОДИ он-лайн ва офф-лайн анҷумани илмӣ-амалии байналмилалӣ апрелӣ дар
мавзӯи “Масоили мубрами улуми иҷтимоӣ-гуманитарӣ, риёзӣ ва дақиқ дар замони
муосир”, 26 апрели соли 2021 дар Донишқадаи омӯзгорӣи Тоҷикистон дар шаҳри
Панҷакент. – Панҷакент, 2021. – 851 с.

СОКРОВИЩНИЦА НАУКИ/ВЕСТНИК ИНСТИТУТА, 2021, № 2. МАТЕРИАЛЫ
научно-практической международной апрельской он-лайн и офф-лайн конференции, на
тему «Актуальные проблемы общественно-гуманитарных, точных и естественных наук
в современную эпоху», 26 апреля 2021 года в Таджикском педагогическом институте в
городе Пенджикент. – Пенджикент, 2021. –851 с.

TREASURY OF SCIENCE/BULLETIN OF THE INSTITUTE, 2021, No. 2. MATERIALS of
the scientific and practical international April online and off-line conference, on the topic
"Actual problems of social and humanitarian, exact and natural sciences in the modern era",
April 26, 2021 at the Tajik Pedagogical Institute in the city of Penjikent. – Penjikent, 2021. –
851 s.

Ҳайати таҳрирӣ/Редакционная коллегия:

Ансорӣ М.Қ. – раис, М.Одиназода, М.Имомзода, Н.Салимӣ, Ч. Ҷӯразода,
Н.Ғаффоров, Петрусевиҷ А.А., Дайырбеков С.С. (Қазоқистон), Боранбаев С.
Р.(Қазоқистон), , Аханов Б.Ф. (Қазоқистон), Шынгысбаев Б. М. ., Тлеукеева А. Е.
(Қазоқистон), Исраилова Ж. С. (Қазоқистон), Абилдаева Г. С. (Қазоқистон),
Шатырбекова А.А. (Қазоқистон), Саржанова К. Б. (Қазоқистон), Небесаева Ж. О.
(Қазоқистон), Бекетова Г. Т., Кобулов Э., Эшов Б.Дж., Холикова Р.Э., Эркинов А. С.
(Ўзбекистон), Воҳидов Ш.Х. (муҳаррири масъул), Шарифова Г.Ҳ. (муовини раис ва
котиби масъул), Ансоров С.М., Кўчмуродов А.

Муқарризон/рецензенты:

Калинин М.Ю., доктори илмҳои техника, проф. (Беларусь)
Аллаева Н., доктори илмҳои таърих (Ўзбекистон)
Қобулов Э., доктори илмҳои таърих, профессор (Ўзбекистон)
Бегалинова К.К. доктори илмҳои фалсафа, профессор Қазақстан

Баъзе фикр ва хулосаҳои дар маҷмӯа омада бо нуқтаи назари таҳририят созгор
наомадана ш мумкин аст. Барои дурустии иқтибос, ҳавола ва пайнавиштҳо дараҷаи
илмӣ, услуб ва баёни мақолаҳо муаллифҳо масъуланд.

Мнение редколлегии не всегда совпадает с мнением авторов. За достоверность
цитат и ссылок, научный уровень, стилистику статей ответственные авторы.

Дар асоси қарори Шӯрои олимони Донишқадаи омӯзгорӣи Тоҷикистон дар шаҳри
Панҷакент ба нашр тавсия дода шуд (суратчаласаи № 9 аз 22 апрели соли 2021).

1. ЎзР МДА, 1396-жамғарма, И-2-рўйхат, 1490-иш, 59-варақ.
2. ЎзР МДА, 1396-жамғарма, И-2-рўйхат, 259-иш, 8-варақ.
3. Халфин Н.А. Английская колониальная политика в Среднем Востоке. – Ташкент, 1957.-С.17.
4. Логофет Д.Н. Страна бесправная.-СПб., 1909.-С.75.
5. ЎзР МДА, И-1-жамғарма, 34-рўйхат, 841-иш, 1-5-варақ.
6. Первые русские поселение в Термезе.” Книга рассказов. № 464. Стр 2. Архивный фонд музея Археологии Термеза.
7. “Первые русские поселение в Термезе.” Книга рассказов. № 464. Стр 10. Архивный фонд музея Археологии Термеза.
8. Парфёнов Г.В. Истории исследования Старого Термеза. (Материалы к археологической карте Сурхандарьинской области.-Ташкент ,1941.- С. 66.
9. ЎзР МДА, И-2-жамғарма, 1-рўйхат, 6-иш, 1-2-варақ.
10. Г.В.Парфёнов. Истории исследования Старого Термеза. (Материалы к археологической карте Сурхандарьинской области) Дело № 169. стр 45. (Термиз Археология музейи илмий архив фонди).
11. Остроумов Н.П., И.В.Аничков. Описание археологической и нумизматической коллекции принадлежащих Ташкентскому музею и Туркестанскому археологическому кружку. Сост: Н.П.Остроумов и И.В.Аничков и др. Т., 1900 г.- С. 25.
12. Протоколы Т.К.Л.А. от 29.08.1897 г. -с 16-17.
13. Литвинов Б.Н.. Через Бухару на Памир. Исторический вестник за 1904 г. Книга 10,11,12.
14. Парфёнов Г.В.. Истории исследования Старого Термеза. Материалы к археологической карте Сурхандарьинской области.Т., 1941 Дело № 169. стр 64. (Термиз Археология музейи илмий архив фонди).
15. Семёнов А.А. По границам Бухары и Афганистана (Путевые очерки 1898 года) Исторический вестник. 1902. №4. с.117-121.

Қўлдошев Рустамбек Авезмуродович,
Бухоро давлат университети, E-mail: rustambek852107@gmail.com

ЧАПАҚАЙ ҲҚУВЧИЛАРНИ ЁЗУВГА ҲРГАТИШНИНГ ИЛМИЙ АМАЛИЙ АСОСЛАРИ

Бош мия иккита, яъни чап ва ўнг ярим шардан иборат. Бош миянинг чап ярим шарида нутқ марказлари жойлашган. Шунинг учун ҳам бош миянинг чап ярим шарида сўз билан боғлиқ барча тафаккур ғоялари амалга оширилади. Бош миянинг ўнг ярим шари объектларнинг фазовий жойлашувини таҳлил қилиш учун жавоб беради. Масалан, атроф-муҳитдаги уйлар, дарахтлар, машиналар, ҳайкаллар ва ҳар қандай шаклга эга бўлган объектларнинг шакл-шамойилини таҳлил қилади. Демак, бош миянинг ўнг ярим шари дунёни сўз иштирокисиз қабул қилади ва бу ерда асосан кўриш анализаторининг аҳамияти катта. Чап ярим шар эса сўз билан ифодаланган маълумотларни қабул қилади ва таҳлил қилади. Образли қилиб айтганда, чап ярим шар асосан сўз билан, ўнг ярим шар эса кўз билан дунёни идрок этади. Бу уйғунлик сақланган бўлса, инсоннинг хотираси ҳам мустаҳкам бўлади.

Китобдаги сиз кўраётган геометрик шаклларни қабул қилиб олиш ҳам ўнг ярим шарнинг вазифаси. Бироқ, ҳар қандай фазовий жисмлар ёки геометрик шаклларни сўз

билан ифодалаб бериш талаб қилинса, бу ерда чап ярим шар ёрдамга келади. Чап ярим шарнинг тили бор. Бироқ ҳозир мен келтириб ўтган мисоллар *ўнақайлар* учун хос. Чапақайларда эса нутқ марказлари бош миянинг ўнг ярим шарида жойлашганган бўлади. *Чапақайларда* чап ярим шар бажарадиган аксарият функциялар ўнг ярим шар зиммасига юклатилган. Бундан ташқари *амбидекстрлар*, яъни олий руҳий функцияларни бажаришда миянинг иккала ярим шари бир хилда иштирок этадиганлар ҳам бор. Бундайлар иккала қўли билан ҳам бир хил ишлай оладиганлар. Бироқ, бу дегани иккала қўли билан ҳам ёза олади, дегани эмас. Масалан, амбидекстр ёзганда қаламни ўнг қўлига олади, нон кесиш учун чап қўли билан пичокни ушлайди. “Тоза” чапақайлар 15 % дан ошмайди. Бизнинг орамызда амбидекстрлар ва ўнақайлар кўп. Амбидекстрларда нутқ функциясини бажаришда бош миянинг иккала ярим шари ҳам иштирок этади. Шу боис, амбидекстрларда инсульт сабабли нутқ бузилса, у тез тикланади.

Чапақайлардан композиторлар, рассомлар, футболчилар, боксчилар ва табиатшунос олимлар кўпроқ этишиб чиқади. Нима учун чапақайлардан буюк футболчилар чиқади, улар голни аниқ уришади? Бу ҳолат геометрик фигуралар учун жавоб берадиган ўнг ярим шарнинг устунлиги билан боғлиқ. Улар дарвозанинг ҳар қандай бурчагини тўғри нишонга олишади. Чапақайлар ўнақайларга қараганда ҳиссиётга кўпроқ берилади. Шу сабаб уларни хафа қилиш осон. Балким шунинг учундир, уларда бировлардан устунлик қилишга интилиш юқори.

Чапақайлар кўпроқ амалиётчи, ўнақайлар эса назариётчи бўлишади. Чунки миянинг чап ярим шари (яъни сўз марказлари жойлашган ярим шар) устунлик қиладиган ўнақайлар нарса ва воқеаларни таҳлил қилиб ўтиргунча, миянинг ўнг ярим шари устунлик қиладиган чапақайлар (амалиётни яхши кўрадиган ўнг ярим шар) ишни дарров амалга оширади-қўяди.

Флидерс университети профессори Майк Николсинг айтишича, инсон фақат генетик жиҳатдан чапақай ёки аксинча бўлиб туғилиши мумкин. Бироқ буни нуқсон дейиш мутлақо нотўғри. Жисмоний имкониятлар тенг бўлганидек ҳар икки тоифадаги одамларнинг ақлий қобилияти ҳам теппа-тенг.[].

Бутунжаҳон чапақайлар кунини нишонлаш ғояси илк маротаба 1990 йилда Британия Чапақайлар клуби томонидан берилган. 1992 йилнинг 13 – августида у илк марта нишонланган. Клуб бу байрамда чапақай болаларни мактабларда мажбурлаб ўнг қўлда ёзишга ўргатишга қарши эканликларини намойиш қилиб жамоатчилик эътиборини тортишга ҳаракат қилади.

Ҳар йили 13 августда норасмий равишда Халқаро Чапақайлар куни (International Lefthanders Day) нишонланади. 1984 йилда ЮНЕСКО 13 августда Чапақайлар кунини нишонлаш борасида қарор қабул қилади. Бундан кўзланган асосий мақсад чап қўлидан кўпроқ фойдаланаётганларга эътибор қаратишдан, улар учун маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантиришдан иборат. Маълумки, бир қатор мамлакатларда чапақайларни ўнг қўлда ёзишга мажбур қилиш ҳолатлари ҳам учраб турарди. Халқаро Чапақайлар кунининг ўтказилишидан асосий мақсад ҳам мана шу каби ноҳуш ҳолатларга барҳам беришга қаратилган. Биринчи ўн йилликда бу байрам тор доирада нишонланган. Кенг жамоатчилик узок муддат Чапақайлар кунига эътибор қаратмай келган.

Айрим маълумотларга кўра, илк бор Халқаро чапақайлар куни 1976 йилнинг 13 августида International Lefthanders Day ташкилотининг ташаббусига кўра нишонланган эди. Бироқ бошқа манбалар биринчи Халқаро Чапақайлар куни 1992 йилнинг 13 августида Британия чапақайлар клуби томонидан ўтказилганини айтишади.

АҚШда ўтказилган 1991 йилги тадқиқотларга кўра, бошқаларга нисбатан чапақайлар кўпроқ ишлаб чиқаришдаги фалокатларда жароҳат олар ва вафот этар экан.

Чапақай одамларнинг пайдо бўлиши учун бир нечта фаразлар мавжуд, уларнинг асосий қисми генетика фанига тегишли. 2008 - йилда LRRTM1 гени аниқланди. У мерос бўлиб ўтган ва боланинг қайси қўлини тез-тез ишлатишини аниқлайди.

Статистикага кўра, чапақай боланинг туғилиши эҳтимоли, агар иккала ота-она ўнақай бўлса, фақат 2%. Агар ота-оналардан бири чапақай бўлса, эҳтимоллик 17% га ошади ва агар ота-оналарнинг ҳар иккаласи чапақай бўлишса 46% ҳолларда чапақай болалар дунёга келади.

Лекин аслида, қайси қўл асосий бўлади, нафақат ирсий қобилятга, балки перинатал асоратлар ва туғилиш шикастланиши натижасида ҳамда боланинг тарбиясига ҳам боғлиқ бўлишини унутмаслик керак.

Мутахассислар чапақай болаларнинг қуйидаги ўзига хос психологик хусусиятларини алоҳида эътиборга молик деб биладилар:

–улар ўз таналарини яхши биладилар, ҳаракатларни яхши мувофиқлаштиришга эга, умуман, улар кўпроқ ҳаракатчандирлар, ўз-ўзини назорат қилишни талаб қиладиган бир хиллик фаолиятни ёқтирмайдилар;

–мактабда осонгина геометрияни ўзлаштира оладилар, атроф муҳитни тез ва тўғри англаш қобилятлари бор. Лекин математика билан боғлиқ муаммолар бўлиши мумкин. Чунки бу ерда мантикий фикрлаш талаб этилади ва бу имтиёз - чап ярим шар ихтиёрига берилган;

–уларда умумлаштириш қобиляти яхши ривожланган, аммо таҳлил қилишга уриниш, аксинча, қийинчиликларга олиб келади;

–улар бой тасаввурга эга.

Яна бир махсус гуруҳ одамлар борки уларни **амбидекстр** дейишади. Улар ҳар иккала қўллари билан ҳам бир хил - яхши ишлаб билишади. Улар мияларининг ҳар иккала ярим шари тенг равишда ривожланган. Амбидекстра кўпинча туғма маҳорат эмас, балки кўп йиллик доимий машқлар натижасида юзага келадиган истеъдоддир. Бунга фақатгина тинимсиз меҳнат орқали эришилади. Ер юзидаги одамларнинг фақат 1%, албатта, иккала қўл билан ҳам тенг ва тўлақонли фаолият олиб бориб биладилар, холос. Энг машҳур амбидекстр Леонардо да Винчи, Жими Хендрикс, Кеану Реевес, Том Сруисе, Гарри Труман ва Мария Шараповалардир.

Маълумотларга қараганда, чапақай болаларнинг кўпчилиги ўзининг чап қўлда ёзишидан уялишар экан. Бир муддат ўнг қўлда ёзишга ҳаракат қилиб, уддалай олмагач яна чап қўлда ёзишни бошлашар экан.

Маълумки, шу пайтга қадар чапақай инсонларнинг аксарият ноёб истеъдодга эга бўлишади, деган ақида мавжуд. Баъзи олимларнинг хулосаларига кўра, чап қўлда ишлайдиганлар бошқалардан деярли фарқи йўқ экан.

Чапақай болалар ёзишга бироз қийналади. Чунки бирор бир матнни ёзаётганда чап қўл ёзилаётган ёзувни беркитиб туради. Улар қайта-қайта ёзганларига қарайверади. Ўнг қўлда ёзадиганлар эса ёзганларини кўриб туриб давом эттираверишади ва вақтдан ютади. Аслини олганда, бу вақтинчалик ҳолат. Доимий равишда чап қўл билан ёзиш натижасида баъзи чапақай болалар ўнг қўлда ёзадиганлардан ҳам ўзиб кетади.

Агар минг дона сариқ теннис шарлари орасига бир дона қизил шарни аралаштириб ҳар икки тоифага мансуб инсонларга уни топишни вазифаси берилса, “ўнақай” киши ҳар бир шарни бирма-бир кўздан кечиргач, қизил шарни топади, чапақайлар эса уларга умумий разм солиб қизил шарни анча аввал топар экан. Бунинг сабаби “ўнг қўллар” бирор бир ишни тугатмасдан туриб иккинчи ишни бошламас эканлар, чапақайлар эса бирваракайига бир нечта вазифани бажара олар эканлар.

Тажрибалардан маълум бўлишича, катта ёшдаги инсонлар орасида чапақайлар камчиликни ташкил этар экан. Олимлар буни инсон ёшининг ўсиши билан изоҳлайди.

АҚШда 20 ёшлиларнинг 12%, 50 ёшлилар орасида 5%, 80 ёшлилар орасида эса бор-йўғи 1%ни ташкил этар экан. Бунинг сабаблари ҳозирга қадар сир бўлиб қолмоқда.

Дунёда чапақайларга хизмат кўрсатадиган муассаса ва ташкилотлар, фирмалар жуда кўп. Fikars компанияси фақат чапақайлар учун маҳсулот ишлаб чиқарадиган ташкилотлардан биридир. Компания чапақайларга қулай канцелярия маҳсулотларини ишлаб чиқаради. Ручка, ўлчовлар қарама-қарши томонга туширилган чизғич, тескари тигли қайчи ва бошқалар.

- қадимда чапақайларга ишончсизлик билан қарашган, ҳатто судда кўрсатма беришлари таъқиқланган;

- 1991, йилда АҚШда ўтказилган тадқиқотга асосан чапақайлар автоҳалокатлар оқибатида ҳаётдан кўз юмар экан;

- 1970, йилда Буюк Британия ёшлари орасида чапақайларнинг умумий сонини аниқлаш учун тадқиқот ўтказди. Аниқланишича, 11-24 ёшдаги эркак ва аёлларнинг тахминан 11%и чапақайлар экани маълум;

- чап қўлда ёзувчилар араб, урду, форс ёзувларини ёзишга бироз қийналади, чунки улар ўнгдан чапга қараб ёзади;

- олимларнинг аниқлашларича чапақайлар ўнақайларга қараганда тўкинроқ ҳаёт кечиришар экан;

- ҳайвонлар орасида ҳам ўнг ва чап қўллар бўлар экан. Бундай деб аталишининг сабаби улар чап ёки ўнг олд оёқларини кўп ишга солишларидир;

Машҳур чапақайлар: Малика Елизавета, Наполеон, Уинстон Черчилл, Юлий Цезар, Жанна д'Арк, Леонардо да Винчи, Аристотел, Нютон, Марк Твен, Буонарроти Микеланжело, Волфганг Амадей Моцарт, Николо Паганини, Роберт Шуман, Людвиг Ван Бетховен, Чарли Чаплин, Мерлин Монро, Джим Керри, Пол Маккартни, Том Круз, Билл Гейц, Роберт Де Ниро, Бред Питт, Киану Ривз, Силвестр Сталлоне, Брюс Уиллис, Анжелина Джоли, Никол Кидман, Деми Мур, Сара Джессика Паркер, Джеймс Кемерон, Селин Дион, Рикки Мартин, Диего Марадонна, Билл Клинтон, Малика Виктория, Шаҳзода Уилям, Барак Обама ва бошқалар.

Дунёдаги 85% одамлар ўнақайлардир. Шу боис асосий предмет ва турли хилдаги нарсалар улар учун яратилган. Агар оилада чапақай фарзанд дунёга келса, унга озгина бошқача муносабатда бўлишга тўғри келади.

Энг асосийси – чапақайлик организмнинг камчилиги эмас, балки ўзига хос хусусияти деб тушуниш керак. Шу боис кичкина чапақайни қайта ўргатишга, фақат рост қўлдан фойдаланишга мажбурламаслик керак.

Олимларнинг таъкидлашича, чапақай инсонлар уч турга бўлинар экан.

1. Мажбурий чапақайлар. Одатда қўли синган ёки шикастланган болаларга оналари ёки мактабдаги ўқитувчилари томонидан чап қўлда ёзиш ўргатилади. Аммо қанчалик уринманг, унинг ҳуснихати чиройли бўлмайди. Чунки улар табиатан ўнг қўлда ёзишга ўрганганлар. Бундай болаларда миянинг фаол қисми чаплигича қолаверади. Бу дегани унинг ўнг томон мияси учун жавобгар қисм чап томон ҳисобланади. Чунки ўнг қўл билан ёзадиган инсонларда ҳам худди шундай. Мажбурий чапақайлар ер шарининг атиги 3% одамларини ўз ичига олади.

2. Тақлидий чапақайлар. Бундай инсонлар болалик чоғидан оила аъзолари ёки мактабдаги ўртоқларига қараб чапақай бўлганлар. Чапақай бўлишларига албатта кимдир сабабчи бўлади. Шунинг учун бўлса керак бундай чапақай болаларнинг ёзуви хунук ва тартибсиз бўлади. Чунки уларда ҳам аслида миянинг чап ярим шари фаоллик қилади. Бундай инсонлар орамизда фақатгина 0,5% ни ташкил этади.

3. Ўз хоҳишига кўра чапақай инсонлар. Баъзи инсонларда қўлга нисбатан фаол ярим шар унча яхши ривожланмайди. Шунинг учун бундай одамлар қайси қўлда

ёзишни ўзлари ҳал қилишади. Ёки одатда улар икки қўлида ҳам бир хил ёза олиш қобилиятига эгалар. Улар тахминан 7-8%ни ташкил этишади.

Адабиётлар:

1. QO'LDOSHEV R. Chapaqay bolalarni maktabga qanday tayyorlash kerak //Pedagogik mahorat. Ilmiy-nazariy va metodik jurnal Buxoro 2020-yil, 3-son 145-147 b.
2. Quldoshev R. A. Assistant pedagogue to children left-handed reading in the last year //Globe Edit. – 2020.
3. Avezmurodovich Q. R. Psychological aspects of left-handedness: Concept, causes, and peculiarities //ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL. – 2021. – T. 11. – №. 1. – C. 623-631
4. Avezmurodovich O. R. Difficulties in learning to write and read left-handed children //European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences, 8 (8), 40. – 2020. – T. 45.
5. Qoldoshev R. A. Кўмаки педагог ба кўдакони чапдаст дар соли якуми хониш //GlobeEdit, 2020.-93 bet. – 2020
6. Avezmurodovich, Qoldoshev Rustambek. "Psychological aspects of left-handedness: Concept, causes, and peculiarities." *ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL* 11.1 (2021): 623-631.
7. Avezmurodovich, Qoldoshev Rustambek. "Psychological aspects of left-handedness: Concept, causes, and peculiarities." *ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL* 11.1 (2021): 623-631.
8. Avezmurodovich Rustambek Qo'ldoshev, & G'aforovna Habiba Jumayeva. (2021). Forming Writing Skills in Left-Handed Students. *Middle European Scientific Bulletin*, 10(1). <https://doi.org/10.47494/mesb.2021.10.309>
9. Qo'ldoshev A. R. PSYCHOLOGICAL ASPECTS OF LEFT-HANDEDNESS: CONCEPT, CAUSES, AND PECULIARITIES //Psychology and Education Journal. – 2021. – T. 58. – №. 1. – C. 4981-4988.
10. Qo'ldoshev A. R. et al. Forming Writing Skills in Left-Handed Students //Middle European Scientific Bulletin. – 2021. – T. 10. – №. 1.
11. Quldoshev R. A. Assistant pedagogue to children left-handed reading in the last year //Globe Edit. – 2020.

Қўлдошев Рустамбек Аvezмуродович,
Бухоро давлат университети
Жумаева Ҳабиба Гаффоровна,
Бухоро давлат университети

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ЧАПАҚАЙЛИГИНИНГ ФИЗИОЛОГИК, ПСИХОЛОГИК ВА ПЕДАГОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Агар фарзандингиз бирон бир иш қилаётганда кўпроқ чап қўлини ишлатса бу фақатгина бола мия тузилишининг ташқи белгисидир. Мутахассислар чапақайларни ўнг қўл билан ишлашга мажбур этишни таъқиқлайди. Чунки мия генетик тузилган бўлиб, уни мажбурий ўзгартириш салбий оқибатга олиб келиши мумкин.